

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТАНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқинчи
№ 259 (13.521).
12 НОЯБРЬ
1966 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Кузги шудгорлаш илфторларига бериш учун
кўчма Қизил байроқлар

Область партия комитетлари, Қорақалғонистон АСМ Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг
бориши тўғрисида 1966 йил 11 ноябрга бўлган
М А Ў Л У М О Т

Ҳисса	Ҳисса	Ҳисса	Ҳисса	Ҳисса
ҚҚ АССР	0,99	118,27	0,70	113,58
САМАРҚАНД	0,98	113,13	0,56	114,05
ХОРАЗМ	0,61	112,20	0,85	113,11
ТОШКЕНТ	0,23	108,56	0,66	119,51
ҚАШҚАДАРЕ	0,31	107,95	0,64	124,59
БУХОРА	0,31	105,77	0,28	122,14
СУРХОНДАРЕ	0,41	104,63	0,03	101,30
ФАРОНА	0,57	103,17	0,23	123,30
АНДИЖОН	0,53	102,66	0,47	118,72
Сирдарё	0,53	99,80	0,21	102,01

РЕСПУБЛИКА				
БУИИЧА:	0.54	106.30	0.35	113.17

МАРҲАБО
ДЎСТЛАР!

ДАВЛАТГА ПАХТА СО

A black and white photograph of a group of people, including men and women, many of whom are holding large bouquets of flowers. They are dressed in mid-20th-century attire, suggesting a formal or celebratory occasion.

Турманистон адабиёти ва санъати декадаси аъзолари Тошкентга келишди, Суратда: Тошкент вокзалида декада қатнашчиларининг кутиб олиниши.

И. Глауберзон фотоси

ҚАРДОШЛИК НУРИ

Тошкентдаги олий ўқув юрлари республика халқ хўжалиги ва маданиятининг турли тармоқлари учун юксак маънавли кадрларнинг каттакон отрядини тайёрлаб бердилар. Биз фанни ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон олимлари:

Туркманистон адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадаси бизнинг миллатларимиз орасидаги муносабатларда яна бир муҳим таъдир бўлади ва Ўзбек халқи билан туркман халқи ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқнинг янада мустаҳкамлашда, икки қардош маданиятни ўзаро бойитишда, партия XXIII съезди адабиёт ва санъат арбоблари олдида қўйган муҳим вазифаларини ҳал этишда катта роль ўйнайди. Бунга сира шак-шубҳа йўқ.


Икки қардош республиканинг маданият байрами билан табриклаймиз, азиз дўстлар!

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

силли 460 минг тоннага етказиш
барча ҳосилини нобуд қилмай
риб олиш, келгуси йил ҳосили
намунали тайергарлик кўриш
ҳамма кузги-қишги ишларни қ
лай агротехника муддатларида ў
казиш мажбуриятини олдилар.

ДЕХҶОН БЎЛСАНГ
ШУДГОР КИЛ

Биринчи стун —	областлар, ик.
Иккинчи стун —	ҳайдалган ер
Самарқанд	20.6
Тошкент	18.3
Андижон	7.1
Сирдарё	6.7
Фарғона	6.7
Хоразм	4.1
Бухоро	3.4
ҚҚ АССР	2.5
Сурхондарё	0.7
Қашқадарё	—
Республика	
бўйича:	8.7



КРЕМЛДА МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

Оққўрғон районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг пахтакорлар ва механизаторларнинг ҳар йилдаги буюк ҳосил натижасини меънадор равишда таъминлашда яхши намуна кўрсатиши, СССР Олий Советининг депутаты Мустафо Чачи бошқарувчилли қилаётган 3,6ўлм машина теримида айниқса яхши натижаларга эриши, Суратда: бўлимнинг «зангори кема» бункердан 140 тоннадан ортиқ пахта тўкиши, кўлор механик-ҳайдовчиси Раҳматжон Хасанов, А. Тураев фотоси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЎРМОНЧИЛАР САҲРОГА ЧИҚИШДИ


БУХОРО, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистондаги ихтисослаштирилган хўжаликларнинг ўрмончилари Қорақум ва Қизилқум саҳроларига чиқишди. Сақовул уруғи тайёрлаш мавсуми бошланди.

Декань ойида саҳрода ёв-войи бутасимон ўсимликлар уруғи экила бошланди. Олдиндан юмшатиб қўйилган тупроққа биринчи марта кенг қўламда уруғ экилади. Ме-ханнаторлар ана шу ишлар учун 12 минг гектар ер тайёрлаб қўйишди. (ЎзТАГ).

МАИШИЙ КОМБИНАТ

Чирчиқ шаҳридаги 160-кур-лиш трестининг бинокор ва пар-дозчилари йилга аҳолига 250 минг сумлик маиший хизмат кў-рсатиш комбинатини қуриб бит-казди.

С. МУРТАЗОВ.



РАДИО БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт (эстрада артис-лари). 9.30 — Фортепьяно пьеса-лари. 9.45 — «Ўзбекистонда ирри-гация иншоотлари қурилишининг ривожланиши» (тож.). 10.10 — Ўзбекистонда Туркманистон ада-биёти ва санъати декадасининг ў-казиш ташкилий комитетининг ра-ис Худойбердиев суҳбати. 10.20 — Куйлар. 10.30 — Концерт. 11.10 — «Халқлар қардошлиги» (Ўзбеки-стонда Туркманистон адабиёти ва санъати декадасининг та-танали очилиши. 11.20 — Ко-церт (қиллоқ хўжалик ходимлари учун). 22.00 — Дунё воқеалари. 22.10 — Концерт (лиги Тошкентда қурувчилар учун). 23.10 — Дун-ёнинг кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 16.00 — Ур-эртаги (болалар учун). 16.25 — Куйлар минута (мактаб ўқувчи-лари учун). 16.55 — Телевизион анимациялар. 17.10 — Париж... Па-риж (хўжалик фильми). 18.00 — Ўзбекистонда Турма-нистон адабиёти ва санъати дека-дасининг очилиши (Навоий номи-академи Катта театрдан) танаф-фус вақтида — Телевизион ан-имациялар (рус тилида).

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ АКАДЕМИЯ
КАТТА ТЕАТРИДА — 12/ХІ неч со-ат 6 да Туркманистон ССР адаби-ти ва санъати декадасининг оч-илиши. 13/ХІ да қўлувда Мейсари-ниш, нечқурун Травната. Турма-нистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Шохбердиев на-тишад.

ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИЯ ДРА-МА ТЕАТРИДА — 12/ХІ да янги спектакль. Оч қабултар. 13/ХІ да қўлувда Сарванат динбарин, не-чқурун Қотил.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗА-ЛИДА — 12/ХІ неч соат 8 да Чор-қўй филармониясини эстрада груп-пасининг концерти. 13/ХІ неч соат 7 да Денада адабий кримининг очилиши ва Туркманистон санъат усталари концерти.

МУҚИМНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/ХІ да Ўғил уйлантириш. 13/ХІ да Гули снх.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА (Шавитон) — Ўйртқч хайвонлар-ни ўргатуви Иман Рубан, ўзбек цирни коллективи ва ирқичқилар группаси.

Тошкент оқшом

ва
„Вечерний Ташкент“
ГАЗЕТАЛАРИГА
1967 йил учун
ОБУНА ҚИЛИШ
ДАВОМ ЭТАДИ

Обуна шахси: 1 йилга — 6 сўм, 6 ойга — 3 сўм, 3 ойга — 1 сўм 50 тини.

Обуна «Союзпечати» бўла-ларида ва агентликларда, шуни-лди иш ва ўқш юрдадаги ма-мончи мағбур тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

САМАРҚАНД ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНИКУМИ

СИРТҚИ БЎЛИМГА

1966/67 ўқув йили учун тулиқсиз ва тулиқ ўрта маълумотликлардан

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сиртқи бўлимдаги ихтисос-лари: озиқ-овқат саноати корхона-лари устунаси, нововийлик қонидир моллари ишлаб чи-қариш, иновийлик технологияси, ўсимлик ёғлари технологияси, консервалаш технологияси, гўшт ва парранда маҳсулотлари технологияси, сўт маҳсу-лотлари технологияси, оват тайёрлаш технологияси.

Аризалар 15 ноябргача қа-бул қилинади. Кириш ити-ҳонлари 16 ноябрдан 25 нояб-гача ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: Са-марқанд шаҳар, Оқалми кўча-си, 2-ўй. Телефон 3-31-44.

Саҳро ҳаёти

ВОҚЕАЛАР,
ХАБАРЛАР,
ЯНГИЛИКЛАР

КИРДИКОР- ЛАРГА ЖАВОБ

КОНАКРИ. 9 ноябрь. (ТАСС). Гвинея президенти Секу Туре 28 сентябрь номида стадионда тўплаган 80 минг киши олди-да нутқ сузлаб бундай деди: «Гвинея халқи Америка импе-риалистларининг қўлиларини рад этади. У, ўзининг миллий воз-хўраятдан ҳеч қачон наза кечмади».

Гвинея делегациясининг Ан-ирада юнунга хилоф суратда намоққа олинганлиги масала-сида Америка вакиллари Гви-нея позициясига таъсир ўтга-зишга уриниб қўрилганлиги ва «ердам» беришни тўхтата-миз, деб пўлиса қилганлигини айтиб, Секу Туре бирон-бир шартлар билан боғлиқ бўлган «ердам» Гвинеяга керак эмас, деб айтди.

Секу Туре АҚШнинг итговар-лик сисбатига қарши чора та-риқасида «тинчлик корпуси» вакиллари, шунингдек яқин-да бўлиб ўтган воқеалар вақ-тида ғаламусили қилган мута-хассисларини бир ҳафта мо-байнида мамлакатдан олиб чи-қиб кетишни америкаликларга тақилф қилди.

Президент «Пан-Американи» авиация компанияси вакиллари шуни маълум қилдики, бу компания Гвинея делегация-сининг Анирада қамқоқа оли-нишида ўйнаган роли сабабли унинг самолётлари Гвинея тер-риториясига қўниш ҳўқуқидан маҳрум қилинди.

Анирада қўлаб қўлинган Гвинея делегациясининг аъзо-лари митингда суза чиқиб, ўзларининг қандай қилиб на-моққа олинганликларини, улар-га нисбатан номусосиб тарзда мўносбатда бўлинганлиги тўғ-рида муфассал гапириб берди-лар. Делегацияни қамқоқа ол-ган ганалик солдатлар Америк-а маъмуриларининг кўрсатма-ларини бажармаганликларини ҳақ-то яширмадилар ҳам, де-йишди улар.

Ковуши тўғрилиб қўйилди

ДАКАР. 9 ноябрь. (ТАСС). Конакри радиосининг неча бу ерда қабул қилинган эшитти-ришда айтилишича, Гвинея Республикасининг президенти Секу Туре Америка «тинчлик корпусининг» ҳамма ҳодимла-рини мамлакатдан бадарга чи-лиш тўғрисида буйруқ берган.

Об-хаво

Бугун республикамизнинг барча районларида ҳаво оқиб-булади. Шимоли-шарқ томон-дан секундида 3.7 метр тезлик-да шамол эсиб туради. Иссиқ-лик 7-12 даража, нобурий рай-онларда эса 14 даражага етади.

Тошкентда ҳавога булут чи-қмади. Кучсиз шабда эсиб ту-рди. Кечаси 2-4 даража совуқ, нундузи 8-10 даража иссиқ бў-лади.



ГОЛЛАНДИЯ. Доктор Боуман Вьетнамдаги урушга қарши Зееланд вилоятининг аҳолисини 30.000 киши имзо чеккан норозилик мактуби билан парламент биносига қараб боряпти. Уни Амстердамда яшовчи Берг музабиз бормоқда. Зонтидаги варақаларда «Напалм кўрсатётган қаромат ана шундай, мис-тер президент» сузлари ёзилган. АПН-ТАСС фотоси.

ПИЧОҚСИЗ ЖАРРОҲЛИК

Нейрохирургларнинг Гете-бордаги конгрессида мидаги шишларнинг айрим турларини радиоактив инъекция қўли билан даволашнинг янги, шов-шувга сазовор бўлган методи ҳақида суз юритилди.

Янги методи Швециянинг иккита врач — профессор Ларс Ленсаль ва доктор Эрик Улаф Банкунд наиф этганлар. Улар Стокгольмдаги Каролина касалхонасига ишлашди. Врачларнинг фикрича, янги ме-тоднинг ҳўқуқини ўздаёқ кли-ник шартларда қўлланиш мумкин. Янги метод шундан

Вьетнам Демократик Республикасига яна ҳужум қилинди

ХАНОИ. 9 ноябрь. (ТАСС). Американин 7-флот қамаллари, шунинг-дек Жанубий Вьетнам ва Таиланддаги базаларда жой-лашган Америка самолётла-ри 8 ноябрда Вьетнам Дем-ократик Республикасининг омон чегарасини бир неча марта бузиб ўтиб, Виньлянь районидидаги, Куангбинь, Ха-

тинь, Намха, Нгеан ва бош-қа вилоятлардаги аҳоли зич яшайдиган районлар билан саноат объектларини бомбардимон қилиб ўққа тут-ди. Шу кунин Америка са-моётлари Ханойдан 80 кило-метр қарб-шимолдаги Вьетчи саноат марказининг аҳоли яшайдиган районла-рини бомбардимон қилди.

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг Тинч океан соҳи-лидаги кemasозлик ишхоналарида банд бўлган электрликлардан 1400 га яқин киши забастовка ўтказмоқда. Бу забастовка на-тижасида Сан-Франциско, Портленд ва Сиэтл районидидаги ўн уч кemasозлик ишхо-насида ишлар тўхтаб қолди. Жанубий Вьет-намга ҳарбий юмлар ташиш учун фойда-ланилган кемалардаги ремонт ишлари ҳаф остида қолди.

Иш ташловчилар иш ҳақининг оширили-шини талаб қилмоқдалар.

АҚШ музоффа министрилиги вакилининг Вашингтонда айтган гапларига қараганда, электрликлар забастовкаси мўносбати билан йирик ҳарбий заказларнинг бажарили-шига халақит беришмоқда.

ЯПОНИЯ

ТОКИО. Япония меҳнаткашлари куз фас-лида ўтказиладиган традицион ҳаракат вақ-тида меҳнат ва турмуш шартини яхши-лаш учун, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун курашни авж олдириб юборишга тай-ёргарлик кўрмоқдалар.

Мамлакатда энг йирик қасаба союз бир-лашмаси деб ҳисобланган қасаба союзла-ри бош кенгаши раҳбарларининг мажлиси-да 27 ноябрда мамлакатнинг ҳамма қисми-да кенг истеъмол товарлари нархининг ҳа-ли ҳам оширилатганлигига қарши намо-йиш ва митинглар ўюштириш, шунингдек АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши меҳнаткашларнинг курашини давом этти-риш ҳақида қарор қабул қилинди.

ШВЕЦИЯ

СТОКГОЛЬМ. Мамлакатдаги ўрта мактаб-лар ва олий ўқув юртидаги ўқитувчилар-

нинг Швеция тарихида биринчи марта ў-казилган забастовкаси 26 кун давом этди. Ҳукумат иш ташловчиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларини қонди-ришга рози бўлди.

ГРЕЦИЯ

АФИНА. Агринионда Этолия-Акарания вилоятидаги тамаки етиштирувчилар ми-тинги бўлди. Дехқонлардан 10 минг киши тракторлар, автобуслар, юк машиналари, мотоцикллар, арваларга тушиб шаҳарга келди. Митинг қатнашчилари тамакини ҳа-рид қилиш нархини оширишни ҳўқуматдан талаб қилдилар. Агринион аҳолиси дехқон-лар билан бирдам экинлигини билдирди. Шаҳарда япти забастовка эълон қилинди, магазинларнинг ҳаммаси ёпилди.

АНГЛИЯ

ЛОНДОН. Оксфордда «Моррис Моторс» компаниясига қарашли автомобиль ради-аторлари ишлаб чиқарувчи завод ишчи-ларидан 300 киши икки ҳафтадан буён иш ташламоқда. Улар ўз ўртқоларидан 24 ки-шининг маъмурият томонидан ишдан бў-шатилишига қарши норозилик билдирмоқ-далар. Иш ташловчилар митинг ўтказиш-лар ва бу митингда забастовкани давом этти-ришга қарор бердилар.

ПЕРУ

ГАВАНА. Перу балиқчиларидан 20 минг кишининг забастовкаси бир ҳафтадан кў-роқ давом этмоқда. Балиқчилар иш ҳақини оширилишини талаб қилмоқдалар. За-бастовка балиқ овига ва мамлакатдаги ба-лик заводларининг ишига шикаст етказди. Пренса Латина агентлигининг муҳбири шу тўғрида Лима шаҳридан хабар беради. (ТАСС).

МЕҲНАТКАШЛАР ҲИСОБИДАН

БОНН. 11 ноябрь. (ТАСС). Гер-бий Германия Бундестаги Гер-мания Федератив Республика-сининг 1967 йилги бюджетни лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилди. Жуда катта дефицитни баласи қилиш мақ-садига тақдир этилган қўшма-ча бюджет билан бирга ҳўқу-мат томонидан муҳокамама қў-йилган бу бюджет лойиҳасида қўзда тутилган даромадлар ва харажатлар 75.2 миллиард мар-нани ташкил қилди.

Бюджетдаги 4 миллиард мар-кага яқин дефицитни тўғатмоқ-учун ҳўқумат солиқлар тўлаш ҳисобидида бир қанча имтиёз-ларни бекор қилишни, шунинг-дек баъзи истеъмол моллари-дан олинатган бевосита солиқ-ларни оширишни тақилф этди. Бундан ташқари, Бонн ҳўқу-мати ишқизилдан страхование қилмоқ учун, ишлаб чиқариш таълимин бериш учун ва шу ка-би тадбирлар учун акрилатилган маблагларни қисқарттиш нияти-дадир.

Социал-демократик партия ва ўрнин демократик партия ва-киллари сузга чиқиб, бюджет лойиҳасини қаттиқ танқид қил-дилар.

Шу мўносбат билан Гербий Германиянинг аъзорисини Бис Федересен ҳаддан ташқари ошиб кетган ва 18.2 миллиард марнани ташкил этган Бонн ҳарбий бюджетини танқид қи-либ ёлган мақоласида ҳўқумат қўрилмоғини пойғасининг юки-ни меҳнаткашлар еласига ор-тиш ўғринга Бундесвернинг о-диния ва қўроқ-роғлар ишлаб чиқаришини қисқарттириш ло-зим, деди.

САВДО-СОТИҚНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА ҚЎЙИЛГАН БИРИНЧИ ҚАДАМ

ҚАЛА-ЛУМПУР. Малай-зия федерацияси савдо ва саноат министри доктор Лим Сын Ауя. Бизнинг мамлака-тимиз, деди яна министр, ҳо-зири вақтда Малайзиянинг асосий балиқлиги бўлган ва та-биий каучукининг энг катта харидори Совет Иттифоқи билан тўплатури, икки то-монлама савдо мўносбатла-рини ўғнаттиш тарафдоридир.

СУРИЯ ХАЛҚИНИ ҚўЛАБ

ДАМАШҚ. Сурия бош ми-нистри Юсуф Зуайн жаҳон тинчлик кенгаши-координатор президенти Исабелла Блю-м бошчилигидаги жаҳон тинчлик кенгаши делегация-сини қабул қилди. Делегация аъзолари жаҳон тинчлик ке-наши Сурия халқининг ре-акция ва имперализмни кир-дикорларига қарши олиб бо-раётган курашини тўла ра-видада қўллаб-қувватлайди, деб айтдилар.

МАЛАЙЗИЯ — ИНДОНЕЗИЯ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ПАРИЖ. Франс пресс агентлиги муҳбири Куала-Лумпурдан хабар беради: Малайзия билан Индонезия ўртасида тахминан ўз йил тўхтаб турган савдо мўнос-абатлари яна тикланди. (ТАСС).

АФРИКА БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИ АССАМБЛЕЯСИ- НИНГ ИШИ ТУГАЛДИ

АДДИС-АБЕБА. 9 ноябрь. (ТАСС). Африка бирлиги та-шкilotига аъзо бўлган мамла-катлар давлат ва ҳўқумат бош-лиқларининг ассамблеяси ўз ишини тугатилди.

БАРКАМОЛ ИЖОД

М. ХОМИДХОНОВ
50 ЁШГА ТЎЛДИ

□ □

Олий Советнинг депутаты ва халқ маорифи бўлиб, доимий комиссия раисининг ўринбоса-ридир. 1940 йилдан буён рес-публика энергетикаси илимий-техника жаамиятининг бир не-ча бор раиси бўлиб, 1962 йил эса жаамият советининг раиси қилиб сайланди. Шунингдек, у Ўзбекистон қасаба союзлари президиумининг аъзосидир.

Самарқанд меҳнатлари учун Музаффар Хомидхонов бир неча орден, медал ва фаж-рий ардишлар билан муко-фотланган. Атоқли олим, етуқ инжениер, таниқли жамоат ар-боби М. З. Хомидхоновнинг ижоди намола етиб, гурира-етган давр, Унинг совет фани ҳаётига яна кўп ҳисса қў-шишига аминим.

Н. УСМОНХУЖАЕВ,
техника фанлари канди-дати.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — Б36545, Редактор ўринбосарлари — Б37914, Б39323, Масъул секретарь — Б34453, Масъул секретарь ўринбосарлари — Б37283, Партия турмуши — Б33469, Б37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, қалқаро ҳаёт — Б31216, транспорт — Б34780, Совет курилиши — Б33258, Кишлоқ қурилиши — Б37604, Адабиёт ва санъат — Б32036, Б37221, Фан, Б32347, Оммавий ишлар ва катталар — Б39005, Б33553, Иллюстрация — Б34524, Стенография — Б37343, Коррентура — Б37162, Эълоилар — Б38142, Коммутатор — Б30249, Б30250, Б30251, Б30252, Б30253, Б30254, Б30255, Б30256, Б30257, Б30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 14076